



Чор Русияси истибдодига карши ва мамлакатимиз мустақиллиги учун курашнинг сарчашмаларида турган фидойилар орасида Носирхон тўра Саид Камолхон тўра ўгли номи алоҳида эътиборга эга. Носирхон тўра Туркистон миллий-озодлик ҳаракатининг йирик раҳбарларидан бири, юртда ном чиқарган таниқли уламо эди. У хижрий 1287 сана, милодий 1871 йили Косон (ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой) шаҳрида тугилган. Отаси Намангандаги мадрасалардан бирида мударрислик қиларди. У фарзандини олдин ўзи ўқитди, унга Куръони қаримни ёд олди. Кейин Носирхон тахсилни отаси мударрислик қилган мадрасада давом эттирди. Илмга ташна Носирхон кейинчалик билимини чуқурлаштириш ниятида турли ўлкаларга сафар қилди. Олдин Бухоро ва Кобулда, кейинчалик Дехли, Бағдод, Хижозда тахсил олди. Чуқур билим олиб Туркистонга қайтгач, Наманганда бош мударрис, қози бўлди, кўплаб илм толибларига тафсир, ҳадис, фикҳдан сабоқ берди. Чоризм салтанати ағдарилганидан кейин Носирхон тўранинг ижтимоий-сиёсий

фаолияти бошланди. У 1917 йили Наманган шаҳар Думасига депутат этиб сайланади. Шу йилнинг 26-29 ноябр кунлари Кўкон шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг тўртинчи курултойида катнашади ва Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоси этиб сайланади.

Хориждаги ватандошлардан А. Завкий (Абдулла Тўлаганов) бир маколasiда бундай ёзади: "1917 йил 9 декабрда Кўконда Бутунтуркистон тўртинчи Ўлка курултойи (съезди) чакирилди. Курултойга 180 вакил катнашди. Курултой вакиллари Россия демократик Федератсияси ичида Туркистон Мухтор жумҳуриятини ташкил этишни маъкул топдилар. Шу курултойда ҳукуматнинг бошлиғи ва вазирлари ҳамда эллик тўрт кишидан иборат Миллий маслаҳат Шўроси (парламент – муаллиф эскартиши) сайланди. Ҳукумат хайъати Маҳмуд Тинишбойни ҳукумат раиси ва ички ишлар нозири, Шоаҳмад Шохисломни раис ўринбосари, Мустафо Чўкайни ташки ишлар нозири... Носирхон тўрани маориф нозири этиб тайинлади" ("Миллий Туркистон" журнали, Олмония, 1974 йил, 133-сон, 16-бет). Советлар ҳокимияти уч ой ўтмаёк янги мухториятни конга ботирди. Конуний ҳукумат аъзоларини таъкиб ва мавҳ этиш билан каноатланмай, Кўкон шаҳрига ҳужум уюштириб, ўн мингга яқин аҳолининг ёстиғини қуритди. Ҳукумат ва маслаҳат Шўроси аъзоларидан элликка яқин одам камокка олинди.

Носирхон тўра мустамлакачилар зулмидан қочиб, яширинишга мажбур бўлади. Бир йил ўтмасданок фаолиятсизлик ҳалокат эканини тушунган Носирхон тўра яна очик ишлашга ўтди. 1923 йилгача Наманганда ташкил этилган "Маҳкамаи шаръия" (Шариат суди) идорасига раислик қилди.

Ҳужжатларда қайд этилишича, Носирхон тўра диний соҳада жонбозлик кўрсатишдан ташқари ижтимоий-сиёсий ишларда ҳам фаол катнашади. У юрт мустақиллиғи учун қурашни асосий шиор қилган "Миллий иттиҳод" ташкилотининг Намангандаги ташкилотчиларидан бирига айланди. Кейинрок Косонсойда «Миллий иттиҳод» ташкилоти шўъбасини ташкил қилди. Носирхон тўра 1924 йили Косонсойда батрақлар уюшмасини мустамлакачилар ва уларнинг малайларига қарши оёқлантиргани учун дехқонларнинг оммавий чиқишлари бутун Фарғона уездига ёйилиб кетди.

Бундай фаолият босқинчиларга албатта ёқмас эди. Шунинг учун советлар ҳокимияти халқ орасида обрўйи ошиб кетаётган йирик уламо ва сиёсий арбобдан қутилиш чораларини излай бошлади. 1925 йили Носирхон тўра "советларга қарши сиёсий фаолият олиб боргани учун" деган сохта айблар билан ОГПУ қарорига кўра ҳибсга олинди ва мамлакатдан бадарга қилинди. У 1928 йилгача Россиянинг Ўринбург ўлкасида сургунда бўлди. Носирхон тўра бу ерда татар маърифатпарварлари билан учрашди, улардаги вақф ишлари, таълим тизими, шариат маҳкамалари фаолияти билан яқиндан танишди. Ўзининг машҳур қундалиғи "Ўринбург мактублари" асарини шу ерда ёзди. Сургундан қайтиб келгач, яна мударрислик фаолиятини давом эттирди. Кўплаб ёшларга Ислом асослари ва тарихидан сабоқ берди. Унинг шогирдларидан йирик дин олимлари, миллатпарвар ва маърифатпарвар арбоблар етишиб чикди. Булардан икки нафарини келтириб ўтиш қифоя: Олтинхон тўра номи билан машҳур Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий (1894-1992) йирик олим, адиб, таржимон эди. У 1932 йили советлар тузуми тазйиқи туфайли хижратга кетиб, Афғонистон, Хиндистонда, кейин эллик йил мобайнида Макка ва Мадина шаҳарларида яшади. Масжидул-Ҳаром ва Масжидун-набавийда мударрис бўлди. Қуръони қарим маъноларини илк бор ўзбек тилига таржима ва тафсир қилди, бир неча китоблар ёзди, кўплаб китобларни арабчадан ўзбек тилига ўғирди.

Носирхон тўранинг яна бир шогирди Абу Наср Саййид Мубашшир Тарозий (1896-1977) ҳам таникли уламо ва адиб бўлиб етишди. Унинг «Куръон ва нубувват» китоби совет ҳокимияти томонидан мусодара килинган. У Тароз шахрида диний идора очган, мактаблар ташкил этган. Таъкиб кучайгач, 1930 йили ватанни тарк этиб, Афғонистон ва Мисрда мухожирликда яшаган. Ислом фикхи ва тарихига оид 47 та асари бор.

Носирхон тўра ухровий илмлар катори дунёвий билимлардан ҳам яхши хабардор эди. Унинг Ислом асосларига оид рисоаларидан ташкари тарих, фалсафа каби фанларга доир асарлар ҳам ёзгани маълум. Олимнинг йирик "Туркистон тарихи" асари ўлкамизнинг узок йиллик тарихини камраб олгани билан аҳамиятлидир. Ёзувчи Нуруллох Мухаммад Рауфхон юртимиздаги истиклол фидойилари тарихини ўрганиш пайтида Носирхон тўра иши ҳужжатлари орасида унинг каламига мансуб "Моддиюнчилик ҳақида рисола" китобчаси кўлёзмаси ҳам сақланаётганини кўрган ва "мазкур рисоланинг "Моддиюнчилик балоси қадимги юнон файласуфи Демокритдан бошланади" деган жумлалар билан бошланганининг ўзиёқ муаллифнинг нечоғли кенг дунёқараш ва салоҳиятга эга бўлганини кўрсатади", деган.

Носирхон тўра сургундан қайтиб келиб ҳам ватан озодлиги, миллатни советлар тузуми тазйикидан ҳалос этиш режасидан воз кечмади. Бу йўлда ҳар бир имкониятдан фойдаланишга уринди. Ўлкада миллий-озодлик ҳаракатининг таникли кўмондонлари Шермухаммадбек, Мадаминбек, Нурмухаммадбек қабиладар билан учрашиб, уларни юртни озод қилиш учун курашга руҳлантириб турди. Кўрбошилар босқинчиларга қарши курашда унинг маслаҳатлари ва раҳнамолигига катта умид боғлашган эди.

Носирхон тўра Туркистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида қишлоқларга совет тузуми асоратидан қутулиш йўллари ҳақида тарғибот-ташвиқот олиб борди. "Махфий хизмат идораларида сақланаётган ҳужжатларда унинг Туркистоннинг Наманган, Қўқон, Тошкент, Ўш, Тароз, Чимкент қаби шаҳарларидаги ҳар бир қадами, қимлар билан учрашгани, нималар ҳақида суҳбатлашилгани ҳақидаги кўплаб маълумотлар қайд этиб қилинган" (Нуруллох Мухаммад Рауфхон).

Аммо ана шундай катта билим ва салоҳият эгаси бўлишига қарамай, Носирхон тўра ўша пайтдаги сиёсий вазиятни тўғри баҳолай билмади, советлар истибдодига қарши қўзғолган кўрбошилар бошлиқ қўроқли қўшқарни ягона гоё ва мақсад остида қўшқаришга оғизлик қилиб қолди. Қўплаб беғуноҳ қишлоқлар қони тўқилишидан қўчқан Носирхон тўранинг ҳал қилувчи кураш олдида иққиланиб қолгани кейинчалик жуда қимматга тушди: "бу қаҳрамон болаларимизнинг онқларини очиб ишга солғудек, ҳар ишга ярамлик сиёсий раҳбар бўлғудек бирорта қишлоқимизнинг йўқлигидан, ташқилий равишда очик бир мақсадни олға қўйиб иш олиб қўришолмаганликдан мамлакатимизнинг бахтсиз энг ботир ўқиллари ҳар ерларда душман қўллари билан қўрилиб-қўрилиб, беқорга йўқотилдилар" (Алихонтўра Соғуний, "Туркистон қайғуси" (биринчи китоб), Тошкент, "Шарқ", 2003 йил, 65-бет).

Саудия Арабистонида истикомат қилувчи ватандошларимиздан Аҳмад Тўлқин кўрбоши Шермухаммадбек фаолиятидаги ўзи шохид бўлган қўлидаги воқеани Шермухаммадбекнинг ўғли Давронбек ва жияни Анварбекларга айтиб қилган:

"Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбеклар Носирхон тўранинг ёнига қўриб: "Қўмла, сиз бизга бош бўлинг, диний раҳнамо бўлинг, биз амрингизга итоат қилиб, душманга қарши қўриқликда қўрашайлик", деб илтимос қилишқан экан. Шунда Носирхон тўра қўзини ердан ўзмай ўтирган қолда на "ҳа", на "йўқ" деб жавоб қилмаган. Бироқ орадан бир қанча вақт ўтгач, Носирхон тўра бу қилмишидан қўшаймон ёб, виждони қийналиб,

"кўрбошилар таклифига мен бирор нарса дея олмадим, бу менинг хатойим эди", деб икром бўлган. Кейинчалик Носирхон тўра миллий кураш жабхасига ўзини бағишлаб, шу йўлда курбон бўлган" ("Тарихнинг хасратли саҳифалари" тўплами, Тошкент, "Шарк", 2006 йил, 122-бет).

Йирик сиёсий арбоб, саркарда ва атокли олим Алихонтўра Соғунийнинг Носирхон тўранинг охириги йиллардаги фаолияти ҳақида мана бундай фикрлари бор: "Шундоқки, ҳозирги кунларда Арабистонда туришган Олтинхон, Мубашширхонларнинг устози, асли Косон зодагонларидан, Фаргона вилоятида обрўи баланд бўлган, замонасига кўра улуг олимлардан саналган марҳум Носирхон тўра коммунистларга қарши кўзголон кўтармиш эди. Нима қилишларини билолмай, сувга оккан кишидай хайронликда турган мусулмонлар, ўз диний олимларини илохий кучдан холи бўлмаса керак деб гумон қилганликларидан, мол-жонларини аямай, у кишига қўшилувчилар ўлка бўйлаб кўпаймиш эди.

Бирок иш вақтидан ўтган, не фурсатлар қўлдан кетган эди. Ўзок-яқиндаги болшевикларга қарши кўтарилган кўзголонлар бутунлай бостирилиб, ишлари марказга боғланмиш эди. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг "Хар оқил киши ўз замонасига тушунган бўлсин" деган ҳикматлик сўзларига амал қилиш ва Пайгамбаримизнинг 23 йиллик нубувват давридаги ибратлик таржимаи ҳолидан хабардор бўлиш ҳаммадан кўпроқ ислом олимларига лозим эди. Замонавий сиёсат олаmidан хабарсиз бўлганликдан у кишининг бутун ишлари тесқарисига айланди. Ёлғиз кўзголончиларгина эмас, шулар баҳона ўзларига тўғри келмаган, икки кишига сўзи ўтарлик одамлардан Наманган, Косон атрофлари билан ҳеч жойда қолдирмай, отиб-чоғиб ўлдирдилар. Қолган қўлга тушганлари қаттиқ қамокда ёки ўзок сургунларга юборилиб, йўқотилди.

Бечора Носирхон тўра қочиб юрган еридан икки ўспирин ўғли билан ушланиб, Тошкентга қелтирилган сўнғида энг қаттиқ, ер ости, қоронгу зиндонда ётқонлигини эшитган эдик. Сўнгра икки ўғли билан бирликда ўлим жазоси берилиб, дунёдан йўқотилмишдир. Агар бу киши ўрнида сиёсат олаmidан хабардор, онглик бошқа биров бўлганида, ишни бошқача ташкилий равишда олиб борар эди. Бу қадар улуг кўзголон майдонида тўқилган ерлик халқ қонлари бекорга қетмас эди. Чунки, жанубий томондаги Афғон ва Ҳиндистон чегаралари қўлга қелтирилса, у ёқдан ёрдам етказиш имқонияти тугилмиш эди; онгсизлик шумлигидан шу ишни бажара олмадилар" (Алихонтўра Соғуний, "Туркистон қайғуси" (биринчи қитоб), 86-87-бетлар).

Носирхон тўра ҳақларида "Улуг Туркистон фожеаси" қитобининг муаллифи Мусо Туркистоний қуйидагиларни ёзган:

"Намангондан жиҳод шиори ила ҳуруж қилгон Носирхон тўра ҳам мужоҳид, ҳам олим, миллатчи бир зотдур. Атрофида тўплангон аскарларини ҳаммаси фидойи эди. Бошқа кўрбошиларга ўхшб, бу зот руслар билан сулҳ қилишга ёнашмади. Руслар қўб урунди. Масалан, руслар бир кун мусулмонлардан ҳар қимга сўзи ўтадургон, гаплари таъсир қиладургон, гавдалиқ Тўраҳон маҳдум домлани, Миён Қудрат ҳазратни ГПУ доирасига қақирдилар. Бу иққовларига ГПУ ширин ваъдалар ила қуруқ дарёдан қўб сувлар илтифот қилди. Бу зотлар тоғ ичларига қориб, Носирхон тўрани тоғиб, яхши насиҳатлар ила миллат эзилмасин, маҳву қаришон бўлмасун, тўрам ҳам ҳуқуматни лутфи иноятларидан қойдалансунлар, қолгон беш қунлик умрларини роҳат, иззат, маишат билан ўтказсунлар, эй тўрам, эй ҳазрат, сизлар қоринлар, бир илож қилиб, тўрамни ҳуқумат билан ярашқиринлар, сизларни бу тарихий ҳизматларингиз тақдир қилинадур,

деди.

Тўраҳон маҳдум домла йўгон жисмини кўрсатиб, семизлигидан шикоят килуб, от сафарларида узок йўлларда юришга токат килолмасликларини баҳона килиб, ўзини маъзур кўрсатди. ГПУни бошлиги бошини кимирлатиб, тасдиқлагандек бўлди.

Ўринларига Абдуррахмонхон тўрани тайинлаб, Миён Кудрат ила икковларига ҳукуматни хизматчиларидан тўрт элчини қўшуб, жами олти элчи бўлуб жўнатилди.

Булар кишлокдан кишлокка юриб, кизил чойхоналарда ётиб туриб, Носирхон тўрани изидан ҳам хабар тополмадилар. У тўрт тўртинчиларни чўлларда мужоҳидлардан зиёда кўрқоклиги Тўра ҳазратларига баҳона бўлди. Ҳаммалари иттифоклашиб, кайтайлик эмди бас, қўб роҳатсиз бўлди, тоғ ичларида, гайри маскун ерларда учратолмадик, хулоса, истадик, топмадик, деб билиттифок кайтиб келдилар. Ўшандок жавобларини ГПУга етказдилар. Бундан кейин ГПУ ҳар тарафга жосусларини таркатди.

Носирхон тўрадан бир хабар келтургонга зиёдасила мукофотлар ваъда килди. Русларни шиддат билан таъкиб этгонлигидан хабардор бўлгон Носирхон тўра, эмди бўлмади, руслар голиб келадургонга ўхшайдур, деб йўлдошлари билан машварат килиб, ўзимизни хорижга олайлик, деб қарор килдилар. Гоятда эҳтиёт билан Намангон шаҳри ичига кирдилар. Сардоба даҳасига тобе Бураматут маҳалласида муносиб бир уйга ерлашдилар. Сафар сариштасини кўра бошладилар.

Руслар одамларини воситасила Носирхон тўрани бўйини олди. Ёширилгон уйни босди. Тўрам қочди. Хавлидан хавлига андин том орқа кўшнига, у жойдан бошқа бир богга отлаб, у жойда ҳозирланмиш отларига миниб, Кошгар жўнадилар. Ўшга саломат етганлигидан Намангондаги ўгли эшон Дадахонга хат жўнатдилар. Сотилгон кўрноз жосуслар эшон Дадахонни излаб, ҳаммомда топдилар. Ёнчигидаги хатни топиб олдилар. Холан Кошгар йўлларини таъкиб учун Ўшга, Гулшага, Сўфига ва бошқа марказларга тилгиром ва тилифўн билан тўра қочди, тут, тут, тут, деб ҳар тарафга овчи кўппаклар каби одамларини таркатди. Нихоят гулшалик Тўйчи дегон бир қокбош киргизни жистижўси натижасида Толлиг дегон жойда тўра тутилди. Кўллари боғланиб, Тошкандга жўнатилди. У тарафидан Туркистонликлар огоҳ эмасдур..."

Ўттизинчи йилларга келиб советларнинг миллий ўлкалардаги катагон сиёсати иккинчи паллага кирди. Турли сохта айблар билан миллатнинг етук сиёсий, диний арбоблари, мулк эгалари яна йўқ қилина бошлади. Бу даврнинг кескир қиличи – машъум "учлик"лар бегуноҳ миллат фидойиларини қатл этиш ва қамашга ҳукм қила бошлади. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги ҳузурида ташкил қилинган Ўрта Осиёдаги вакили Белский, ўринбосари Карутский, ОГПУ қўшинлари қўмондони Бабкевичдан иборат "учлик""учлик"нинг 1930 йил 27 октябрдаги суд йиғилишида Туркистон мухтор ҳукумати аъзоларидан бўлган Носирхонтўра Саидқамолхонтўраевни 56 ёшида ўтмишида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий "Қўкон мухтор ҳукуматида вазир лавозимида ишлаган" 1925 йилдан 1928 йилга қадар совет ҳукуматига қарши фаолияти учун қамалган. Ҳозирда ҳам совет тузумига қарши ташвиқот олиб бормокда деб отувга ҳукм этди. Худди шу қунги йиғилишда "учлик" Носирхонтўра Саидқамолхонтўраевнинг оила аъзолари ва маслакдошлари устидан ҳам ҳукм чиқарди. Носирхонтўранинг фарзандларидан Дадахон эшон Носирхоновни отувга, Ҳасанхон Носирхонтўраевни 6 йилга қамок қазосига ҳукм этилди. Носирхонтўра Саидқамолхонтўраевнинг шогирдларидан Муллафозил Бобомухаммедов, Мулланўмон Қаримовларни дастлаб отув қазосига ҳукм этиб, сўнгра ижтимоий қелиб қикишини ҳисобга олиб отув қазоси 10

йиллик концлагерга камок билан алмаштирилди, Юлдашев Муллатожибойни ҳам 10 йилга озодликдан махрум этди. Носирхонтўранинг хотининиг акаси Сайдулло Максудовни 5 йилга озодликдан махрум этилди. (Шамсутдинов Р. Кишлок фожиаси: жамоалаштириш, кулоклаштириш, сургун...-Б.173.)

Манбалар асосида

Абу Муслим тайёрлади